



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Қорақалпоғистон Республикаси

230100 No'kis qalasi, G'a'rebsizlik ko'shesi, 59A u'y, Tel. +99861 2227436 Faks: +998612227365 E-mail: exspertiza.rk@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Ҳолати: Тасдиқланди

Директор: ИБРАГИМОВ МАХСЕТБАЙ ЖАЛГАСБАЕВИЧ

Сана: 19-07-2021 йил



ЎИФМА ЭКСПЕРТ ХУЛОСА № 15657

Объект номи «Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Тазажол» ОФЙ марказига етказиб берувчи ва тақсимловчи ичимлик сув тармоқлари ва «Тазажол» сувни тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш» объекти ишчи лойиҳа ҳужжатларига тайёрланган»

Буюртмачи - «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК ҚР ҳудудий бошқармаси

Бош лойиҳачи - «Ўзбеккоммуналоийҳақурилиш» ДУК ҳудудий филиал «Шимолий» филиали (суб.лоийҳачи «Таза сув» МЧЖ)

Лицензия АЛ-000324-сонли, 2019 йил 2 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги

Молиялаштириш манбаи - Бюджет маблағлари ҳисобидан

Бош пудратчи - танловга асосан аниқланади.

Қурилиш тури: реконструкция

Мурожаат раками: № 14351

1. Лойиҳалаш учун асос.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021й 2 апрелдаги №ПП-5048 - сонли қарори.
- 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси «Ўзсувтаъминот» АЖ Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган ва Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги ва буюртмачи билан келишилган лойиҳалаш топшириғи.
- Чимбой тумани Ҳокимининг 02.04.2021 йили 345 сонли қарори.
- Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан 21.04.2021 йили 106/2021 сон билан тасдиқланган архитектура-режалаштириш топшириғи.
- «Қорақалпоқ сувтаъминоти» МЧЖ томонидан 08.04.2021 йили 120, 121 сонли ва 12.05.2021 йили 189, 190, 191 сонли берилган техник шартлар.
- «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ томонидан 18.06.2021 йили 26-722 сонли берилган техник шарт.

2. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.

«Ишчи лойиҳа»ни ишлаб чиқиш босқичидаги лойиҳа-смета ҳужжатлари.

3. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни.

Қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари.

- Шамолнинг тезлиги – 38 кг/м².
- Қорнинг оғирлиги – 50 кг/м².
- Ҳисобланган зилзилабардошлик кўрсаткичи – 7 балл.
- Ҳисобланган об-ҳаво, қишда -20 °С.
- Ернинг музлаш қатлами чуқурлиги – 0,80м.

Асосий лойиҳа ечимлари.

Лойиҳанинг мақсади – тоза ичимлик сув билан таъминланиш.

Лойиҳалаштирилган сув таъминоти тармоқлари “Қорақалпоқ сувтаъминоти” МЧЖ томонидан берилган техник шартларига асосан уланиш манбайи мавжуд сув таъминоти Ø500мм, Ø400мм, Ø315мм ва мавжуд «Таза жол» насос станциясидан.

Ишчи лойиҳа бўйича Хлорлаш хонаси билан насос станция ва сув таъминоти тармоқлари қурилиши белгиланган.

- Хлорлаш хонаси билан насос станция биноси (янги қурилиш) – 1 қаватли, ертўласиз, тархи тўртбурчак шаклида, “А-Б” ва “1-4” ўқлар бўйича ўлчами 6,0х6,0 метрни, хоналар баландлиги 2,8 метрни.

Бино метал конструкциялардан бажарилади.

Пойдевор – тасмасимон, В12,5 синфидаги яхлит қуйма темирбетондан.

Цокол – В12,5 синфидаги яхлит йғма темирбетондан.

Деворлар – сандвич панелдан.

Бино том ёпамаси сандвич панелдан.

Бино том қисми – метал конструкцияларга махсус профил қопламали том қопламаси билан қопланади. Том қисмидаги қор, ёмғир сувлари қувур ва ариқлар орқали олиб тушилади.

Лойиҳада пол қисмини керамик ва брекче қилиш қайд этилган.

Бино ойналари алюмин ромлардан, эшиклари пўлат қопламали эшиклар ўрнатиш белгиланган.

Бино периметри бўйлаб бетонли отмостка қилинади.

Бундан ташқари бинода ташқи кириш зинасини қуриш ишлари бажарилади.

Сув таъминоти тармоқлари: Сув таъминоти тармоқлари полиэтилен қувурлардан лойиҳаланган булиб Ø160мм, Ø110мм, Ø75мм, Ø63мм SDR26 PN6,3 (кг/см²) ПЭ100 ГОСТ 18599-2001.

Хандақдаги (траншеядаги) сув қувурларини ётқизиш чуқурлиги, ерининг табиий белгисидан қувурнинг тубигача 1,4 метр. Хандақдаги полиэтилендан тайёрланган сув қувурлари қалинлиги 10 см булган қум пойдеворига ётқизилган. Полиэтилен қувурларни ўранатгандан сўнг, тўлидириш қўлда амалга оширилади. Қувурни тўлдиришта, юмшоқ махаллий тупроқдан 30 см қалинликдаги қувурларнинг юқори қисмига химоя қатламини таъминлаш керак.

Автомобиль йўли, ариқ ва коллетор билан кесишма жойда диаметри 377х6мм, 325х6мм, 273х6мм, 108х4мм пўлат қувурли филоф урнатилади. Сув таъминоти тизимида Ø1500мм, Ø1000мм сув қудуқлари, учириниш ваналар (запорная арматура) ва ёнғин учириниш гидранти урнатилади. Қудуқлар 3.900-3В.7 серияли ййғма темир-бетондан. Қудуқ ёпмаси ва ости ййғма темир-бетондан. Қудуқни ўрнатгандан сўнг, деворлар ва пойдеворлар 2 қатламда битум билан қопланади ва чўян қопқоқ ўрнатилади. Қувур тармоқларининг бурилиш бурчакларида ва ваналар остида бетон тўхташ

жойлари ўрнатилади. Лойиҳа буйича пўлат қувурли ғилофлар ер ости ташқи юзаларини полимер ёпишқоқ ленталар билан мустаҳкамланган коррозияга қарши изоляцияни таъминлайди. Сув таъминоти ётқизилгандан сўнг, гидравлик синов ва дезинфекция билан ювиш амалга оширилади.

Сув таъминоти тизимининг умумий узунлиги – 11,256 км шундан: П/Э Ø160мм-1230пм, Ø110мм-4628пм, Ø75мм-4004пм, Ø63мм-1371пм. пўлат қувур Ø76x3,5мм-23пм.

Сув таъминоти тармоқларини таъминлаш: Сув таъминоти тармоқлари полиэтилен қувурлардан лойиҳаланган булиб Ø315мм SDR26 PN6,3 (кг/см²) ПЭ100 ГОСТ 18599-2001.

Хандақдаги (траншеядаги) сув қувурларини ётқизиш чуқурлиги, ерининг табиий белгисидан қувурнинг тубигача 1,4 метр. Хандақдаги полиэтилендан тайёрланган сув қувурлари қалинлиги 10 см булган қум пойдеворига ётқизилган. Полиэтилен қувурларни ўранатгандан сўнг, тўлидириш қўлда амалга оширилади. Қувурни тўлдиришта, юмшоқ махаллий тупроқдан 30 см қалинликдаги қувурларнинг юқори қисмига ҳимоя қатламини таъминлаш керак.

Коллетор билан кесишма жойда П-шаклида ҳаво ўйли усулида утказилиб диаметри 530x8мм пўлат қувурли ғилоф урнатилади. Лойиҳа буйича пўлат қувурли ғилофлар атмосфера ҳавоси коррозиясидан ҳимоя қилиш учун ташқи юзаларини полимер ёпишқоқ ленталар билан мустаҳкамланган коррозияга қарши изоляцияни таъминлайди. Сув таъминоти ётқизилгандан сўнг, гидравлик синов ва дезинфекция билан ювиш амалга оширилади.

Сув таъминоти тизимининг умумий узунлиги – 1,477 км шундан: П/Э Ø315мм-1460пм. пўлат қувур Ø325x6мм-17пм.

№1 Коллектор орқали ўтиш: Ишчи лойиҳада коллетор билан кесишма жойда П-шаклида ҳаво ўйли усулида утказилиб Ø530x8мм пўлат қувурдан лойиҳаланган. Қувур кесишма жойда мавжуд диаметри 720x10мм пўлат қувурли ғилоф урнатилади. Лойиҳа буйича пўлат қувурли ғилофлар атмосфера ҳавоси коррозиясидан ҳимоя қилиш учун ташқи юзаларини полимер ёпишқоқ ленталар билан мустаҳкамланган коррозияга қарши изоляцияни таъминлайди. Сув таъминоти ётқизилгандан сўнг, гидравлик синов ва дезинфекция билан ювиш амалга оширилади.

Сув таъминоти тизимининг умумий узунлиги – 0,018 км шундан: пўлат қувур Ø530x8мм-18пм.

№2 Коллектор орқали ўтиш: Сув таъминоти тармоқлари полиэтилен қувурлардан лойиҳаланган булиб Ø400мм SDR26 PN6,3 (кг/см²) ПЭ100 ГОСТ 18599-2001.

Хандақдаги (траншеядаги) сув қувурларини ётқизиш чуқурлиги, ерининг табиий белгисидан қувурнинг тубигача 1,5 метр. Хандақдаги полиэтилендан тайёрланган сув қувурлари қалинлиги 10 см булган қум пойдеворига ётқизилган. Полиэтилен қувурларни ўранатгандан сўнг, тўлидириш қўлда амалга оширилади. Қувурни тўлдиришта, юмшоқ махаллий тупроқдан 30 см қалинликдаги қувурларнинг юқори қисмига ҳимоя қатламини таъминлаш керак.

Ишчи лойиҳада коллетор билан кесишма жойда П-шаклида ҳаво ўйли усулида утказилиб Ø426x8мм пўлат қувурдан лойиҳаланган. Қувур кесишма жойда диаметри 720x10мм пўлат қувурли ғилоф урнатилади. Лойиҳа буйича пўлат қувурли ғилофлар атмосфера ҳавоси коррозиясидан ҳимоя қилиш учун ташқи юзаларини полимер ёпишқоқ ленталар билан мустаҳкамланган коррозияга қарши изоляцияни таъминлайди. Сув таъминоти ётқизилгандан сўнг, гидравлик синов ва дезинфекция билан ювиш амалга оширилади.

Сув таъминоти тизимининг умумий узунлиги – 0,038 км шундан: П/Э Ø400мм-19пм. пўлат қувур Ø426x8мм-19пм.

№3 Коллектор орқали ўтиш: Сув таъминоти тармоқлари полиэтилен қувурлардан лойиҳаланган булиб Ø400мм SDR26 PN6,3 (кг/см²) ПЭ100 ГОСТ 18599-2001.

Хандақдаги (траншеядаги) сув қувурларини ётқизиш чуқурлиги, ерининг табиий белгисидан қувурнинг тубигача 1,5 метр. Хандақдаги полиэтилендан тайёрланган сув қувурлари қалинлиги 10 см булган қум пойдеворига ётқизилган. Полиэтилен қувурларни ўранатгандан сўнг, тўлидириш қўлда амалга оширилади. Қувурни тўлдиришта, юмшоқ махаллий тупроқдан 30 см қалинликдаги қувурларнинг юқори қисмига химоя қатламини таъминлаш керак.

Ишчи лойиҳада коллетор билан кесишма жойда П-шаклида ҳаво ўйли усулида утказилиб Ø426x8мм пўлат қувуридан лойиҳаланган. Қувур кесишма жойда мавжуд диаметри 720x10мм пўлат қувурли ғилоф урнатилади. Лойиҳа буйича пўлат қувурли ғилофлар атмосфера ҳавоси коррозиясидан химоя қилиш учун ташқи юзаларини полимер ёпишқоқ ленталар билан мустаҳкамланган коррозияга қарши изоляцияни таъминлайди. Сув таъминоти ётқизилгандан сўнг, гидравлик синов ва дезинфекция билан ювиш амалга оширилади.

Сув таъминоти тизимининг умумий узунлиги – 0,055 км шундан: П/Э Ø400мм-36пм. пўлат қувур Ø426x8мм-19пм.

Бундан ташқари лойиҳада ички ҳудуд муҳандислик тармоқлари, назорат пункти, ташқи ҳожатхона, 200 ва 50 м³ сув сақлагич, атрофни тўсиқ билан ўраш ишлари кўзда тутилган.

4. Лойиҳаланаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:

Объектнинг лойиҳалаш топшириқларига асосан сув тармоқлари ва тегишли идоралар томонидан берилган техник шартларига асосан сув таъминоти билан таъминлаш, жиҳозлаш ишлари киритилган.

5. Лойиҳани келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

Буюртмачи ишчи лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланишидан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.

6. Экспертиза натижалари.

Экспертиза томонидан тақдим этилган ишчи лойиҳанинг барча бўлимлари ҳамда смета ҳужжатлари ҳаражатлари қиймати кўриб чиқилди.

Экспертиза текшируви натижаларига кўра кўрикга тақдим этилган дастлабки чекланган киймати ҚҚС билан 3533175,740 минг сўм ва бундан ташқари буюртмачининг бошқа ҳаражатлари 245786,138 минг сўм ўзгаришсиз қолдирилди.

Объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари:

- Сув таъминоти тармоғи ва етказиб бериш қувурининг (подводящий водовод) умумий узунлиги – 12,733 км шундан: П/Э Ø160мм-1230пм, Ø110мм-4628пм, Ø75мм-4004пм, Ø63мм-1371пм. пўлат қувур Ø76x3,5мм-23пм., сув етказиб бериш қувури (подводящий водовод) П/Э Ø315мм-1460пм. пўлат қувур Ø325x6мм-17пм.

- Қурилишнинг давомийлиги – 5,0 ой.

7. Хулосалар.

Экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда, барча меъёр талаблари бажарилиши ва буюртмачи томонидан объектнинг қурилиш материаллар, асбоб-ускуналари қийматларини ва ишлар ҳажмини мақуллаш шarti билан “Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Тазажол» ОФЙ марказига етказиб берувчи ва тақсимловчи ичимлик сув тармоқлари ва «Тазажол» сувни тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш” объектнинг ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари келгусида кўриб

чиқилишига ва тасдиқланишига тавсия этилади.

Тавсия қилинган объект қиймати пудратчи шартномасига асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июлдаги 261-сонли, 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли қорорлари ва ШНК 4.01.16-09 га мувофиқ тендер савдоларига асосан ўтказиш учун объектнинг қиймати буюртмачи томонидан белгиланади.

Бош мутахассис: IBADULLAYEV AZIZBEK ALPISBAY ULI